

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭШПЎЛОТОВ БОБИР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

КЎП ҚАТЛАМЛИ ҚУДУҚ ҚОПЛАМАСИДА СЎНУВЧИ
ТЎЛҚИНЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро–2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical and mathematical sciences**

Эшпўлотов Бобир Худойбердиевич

Кўп қатламли кудуқ қопламасида сўнувчи тўлқинларнинг тарқалиш
хусусиятлари.....3

Эшпўлотов Бобир Худойбердиевич

Свойства распространения затухающих волн в многослойных покрытиях
скважин.....21

Eshpulotov Bobir Khudoyberdievich

Characteristics of propagation of evanescent waves in multi-layer well casings39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭШПЎЛОТОВ БОБИР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**КЎП ҚАТЛАМЛИ ҚУДУҚ ҚОПЛАМАСИДА СЎНУВЧИ
ТЎЛҚИНЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро–2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/FM716 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) институт веб-сайтида (www.bmti.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар :

Сафаров Исмоил Иброхимович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзаев Ибраҳим

физика-математика фанлари доктори, профессор

Мавлонов Тўлқин Мавлонович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/27.02.2021.FM.101.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» декабр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Қ. Муртазов кўчаси, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72, e-mail: bmtti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 405 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (200100, Бухоро шаҳар, Қ. Муртазов кўчаси, 15. Тел.:(+99895) 604-44-70.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» декабр куни тарқатилди.

(2022 йил «17» ноябрдаги № 2 рақамли реестр баённомаси).



M. X. Teshayev

М.Х.Тешаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д. (DSc)

Z. I. Boltayev

З.И. Болтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д. (DSc)

M. Z. Sharipov

М.З. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ер ости фойдали қазилмалар – нефт ва газни қазиб олишда қудуқнинг яқин атрофи ва қудуқ қопламаларининг мустаҳкамлиги ҳолатини баҳолаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда қудуқ атрофи эластик хоссаларини ўрганиш методикасини акустик тўлқинларнинг тарқалиши назариясига асосланиб ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бу ҳолат бурғилаш ўқи бўйлаб тарқаладиган тўлқин амплитудаси чуқурлик ошиши билан бироз миқдорда сусаядиган сейсмик тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Бу борада ривожланган хорижий давлатларда, жумладан, АҚШ, Франция, Япония, Италия, Россия, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларда фойдали қазилмалар – нефт ва газ маҳсулотларини қазиб олишда қудуқларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, қудуқ қопламаларида ҳосил бўладиган динамик кучланиш ва деформацияларни рухсат этилган чегарада камайтириш, зўриқишлар йиғилишининг энг кичик ҳолатда тақсимланишини таъминловчи ишончли ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда фойдали қазилмалар қудуқларининг деформацияланувчи грунтли муҳит билан алоқасини ҳисобга олувчи турли хил моделлар асосида конкрет масалаларни ҳисоблаш усуллари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш учун мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, суюқликли қудуқларни лойиҳалаш жараёнида грунтли муҳит ва қобик орасидаги контакт хусусиятларини, физик-механик ва реологик хоссаларини ҳисобга олиб қудуқ қопламаларида ҳосил бўладиган кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда иншоотларнинг хавфли зўриққанлик ҳолати таҳлили борасида мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда ер ости иншоотларининг мустаҳкамлигини ошириш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2020 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида, жумладан, «...илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш,...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, чексиз муҳитда жойлашган цилиндрик қудуқларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати, динамик хусусиятларини аниқлаш методикаси ва алгоритминини ишлаб чиқиш, ривожлантириш муҳим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика» устувор йўналишга мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп қатламли муҳитда, қобикларда тўлқин тарқалиши ва динамик кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати муаммосини тадқиқ қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан, Трояновский И.Е., Кийко И.А., Ильюшин А.А., Горшков А.Г., Шемякин Е.И., Гузь А.Н., Булычев Н.С., Фотиева Н.Н., Ержанов Ж.С., Айтиалиев Ш.М., Дорман И.Я., Оганесов Г.И., Балсон Ф.С., Гринченко В.Т., Молотков Л.А., Новичков Ю.И., Петрашень Г.И., Матвеевко В.П., Шардаков И.Н., Старовойтов Э.И., Кольский Г., Davis R.M., Wayt J.A., Miker T., Maytsler A., Ahenbah J.D., Shafer V.V., San R.I. ва бошқалар.

Ерости иншоотларини кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда Ўзбекистонлик таниқли олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Булардан: Рахматулин Х.А., Ўрозбоев М.Т., Кабулов В.К., Рашидов Т.Р., Ширинкулов Т.Ш., Хожметов Г.Х., Ишанходжаев А.А., Муборақов Я.Н., Буриев Т., Мирсаидов М.М., Мардонов Б.М., Султонов К.С., Маматкулов Ш.М., Бадалов Ф.Б., Мирзаев И., Мавлонов Т.М., Юлдашев Ш.С., Абдусатторов А., Сағдиев Х., Сафаров И.И., Тешаев М.Х., Абдуқодиров С., Худойназаров Х., Бўриев А.Т., Усаров М.К. ва бошқа кўплаб мутахассислар муҳит билан алоқада бўлган пластинкасимон, цилиндрик ёки сферик кўринишдаги жисмларда тўлқин юкланиши масалаларини ҳисоблаш усуллари ривожлантиришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишган.

Шу билан бирга, муҳит ва кудуқ копламаларининг қовушқоқлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўлқин юкланиши таъсирида ҳосил

бўладиган динамик кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш усуллари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ FM-01-2020-318 “Табиий жараёнларни математик моделлаштириш ва математика фанларини ўқитишда замонавий технологиялар” (2020-2021) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп қатламли қовушқоқ-эластик қудуқ қопламаларида сўнувчи тўлқинларни тарқалиш хусусиятларини муҳит билан контактда бўлган ҳолда ўрганиш ва қудуқда ташқи динамик юкланиш таъсирида ҳосил бўладиган кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолашга қаратилган ҳисоблаш усулини ва алгоритминини ишлаб чиқиш, аналитик ҳамда сонли ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўндаланг кесими доирасимон, қовушқоқ-эластик муҳит билан ўзаро боғланишда бўлган суюқликли цилиндрик қудуқ қопламасида сўнувчи хос тўлқинлар тарқалиши, шунингдек, динамик юкланиш таъсирида ҳосил бўлган кучланганлик- деформацияланганлик ҳолати масалаларини ечиш методикаси ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

частотанинг юқори модаларида узилиш (отсечка) ҳодисаси рўй бериши билан характерланиши, кичик қийматларида эса тўлқин мавжуд бўлмаслигини аниқлаш;

қовушқоқ-эластик қопламали қудуқнинг геометрик ва физик -механик параметрларини танлаш орқали қудуқдаги динамик юкланишлар таъсирида ҳосил бўлиши мумкин бўлган резонанс соҳаларини аниқлаш;

қудуқ қопламалари ва муҳитнинг қовушқоқлик хусусиятининг қувур тўлқини энергиясининг диссипациясига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қовушқоқ-эластик муҳит билан контактда бўлган идеал суюқликли цилиндрик қобиклар олинган.

Тадқиқотнинг предмети: қовушқоқ-эластик муҳит билан контактда бўлган қудуқ қопламаларида хос тўлқинлар тарқалиши, динамик юкланиш таъсирида ҳосил бўлган кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати ва динамик характеристикаларини аниқлаш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси ва қурилиш механикаси усулларидан, ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш, дастурлаш усуллари, хусусий ҳосиллали дифференциал тенгламаларни ечиш учун “музлатиш”, ўзгарувчиларни ажратиш, Гаусс, Лаплас ва чекли айирмалар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўндаланг кесими доирасимон, қовушқоқ-эластик муҳит билан ўзаро контактда бўлган суюқликли цилиндрик қудуқ қопламасида сўнувчи

тўлқинлар тарқалиши назарияси ривожлантирилган, динамик юкланиш таъсирида ҳосил бўладиган кучланганлик- деформацияланганлик ҳолати масалаларини ечиш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган;

дисперсион муносабатлардан фойдаланиб частотанинг юқори модаларида узилиш (отсечка) ҳодисаси рўй бериши билан характерланиши, кичик қийматларида эса тўлқин мавжуд бўлмаслиги сонли натижалардан аниқланган;

кудукда тўлқин ютилиши жараёни юз бериши ҳамда фаза тезлиги ёки частотанинг комплекс катталиқ бўлиши таҳлилидан дисперсион тенглама илдизларининг ҳақиқий ва мавҳум қисмларининг жойлашуви тўлқин сонига боғлиқ бўлиши аниқланган;

сонли ҳисоблашлар натижасида кудуқ қопламалари ва муҳитнинг қовушқоқлик хусусиятини ҳисобга олиш қувур тўлқини энергиясининг диссипациясига 15-20% гача, сув тўлқини диссипациясига эса 15% гача таъсир этиши топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўп қатламли цилиндрик формадаги кудуқ қопламаларида ҳос тўлқинларнинг фаза ва гуруҳ тезлиги ўраб турувчи муҳитнинг реологик хоссаларига боғлиқлиги топилган;

гармоник юкланишлар таъсирида бўлган кўп қатламли цилиндрик формадаги кудуқ қопламаларида ҳосил бўладиган кучланганлик- деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилишда юкланиш манбасининг объект геометриясига ва тўлқин параметрларига боғлиқлик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чегаравий шартларнинг коррект қўйилиши, келтириб чиқарилган математик ифодаларнинг қатъийлиги, асосланган ечиш усулларида тизимли фойдаланилганлиги, ечимларнинг аниқлилигини баҳолашда бошқа тадқиқотчилар ечимлари билан таққосланганлиги ва уларнинг натижаларига мос тушганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сифатида деформацияланувчан муҳит билан ўзаро боғланишда бўлган кўп қатламли кудуқ қопламаларида ва уни ўраб турувчи муҳитда ҳосил бўладиган тўлқин динамикаси назариясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши ҳамда уни такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юкланишлар таъсирида цилиндрик формада бўлган кудуқ қопламаларида ҳосил бўладиган кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолашнинг янги қонуниятларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тадқиқотдаги қовушқоқ-эластик кўп қатламли кудуқ қопламаларида ва уни ўраб турувчи муҳитда тўлқин тарқалиши назариясини ривожлантириш

бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари ва алгоритм бўйича олинган натижалар асосида:

цилиндрлик қобиксимон, босим остида ишловчи қувурлар билан муҳитнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш масалаларини ечишда Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот режасига кўра 2012-2016-йилларда бажарилган Ф-4-04 рақамли “Суюқлик оқувчи ерости эгри чизиқли қувурнинг динамик кучлар таъсиридаги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилиш назариясини ривожлантириш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (2022 йил 5- июлдаги 02/02-89-680 - сонли маълумотнома). Натижада, диссертация ишида олинган илмий натижаларнинг қўлланилиши орқали суюқлик оқувчи эластик ҳамда қовушқоқ-эластик қувурлар тебранишининг резонанс амплитуда соҳаларини баҳолаш имконини берган;

чизиқли дифференциал тенгламалар системасининг хос сон ва хос векторларини топиш алгоритмидан Тошкент кимё-технология институти Давлат илмий техника дастури доирасида 2016-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф4-01 “Қовушқоқ суюқлик оқувчи кўп қатламли композит қувурлар эгри чизиқли бўлакларининг ҳарорат ва динамик юкланишлар таъсирида чизиқли бўлмаган динамик кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш усуллари ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2022 йил 10-майдаги маълумотнома) фойдаланилган. Натижада қовушқоқ суюқлик оқувчи кўп қатламли композит қувурларнинг чизиқли бўлмаган динамик кучланиш ва деформацияларини ҳисоблаш аниқлиги 12% гача ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Халқаро, Республика анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Жумладан, 2 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 1 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига

мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кудук қопламаларида тўлқинларнинг тарқалишига бағишланган адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида муҳит билан боғланишда бўлган цилиндрик қобикда тўлқинларнинг тарқалишига бағишланган адабиётларнинг қисқача таҳлили келтирилган. Муҳит билан боғланишда бўлган цилиндрик қобикқа манбадан тарқалувчи ташқи тўлқиннинг юкланиши ва тарқалишида материалларнинг қовушоқлик хусусиятини ҳисобга олиб ўрганишнинг ягона методикасини ишлаб чиқиш муаммоси ҳал этилмаган. Адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб хулоса қилинган. Бу хулосалар асосида диссертация ишининг мақсади белгиланган ва шу мақсадга мувофиқ вазифалар қўйилган.

Диссертациянинг «**Кўп қатламли кудук қопламаларида сўнувчи тўлқинларнинг тарқалиш масалаларининг қўйилиши ва ечиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида масалаларнинг математик қўйилиши ва ечиш усуллари келтирилган (1-расм).



1-расм. Кудукдаги суюқликнинг элементар ҳажмининг ўзгариши (u_r ва u_z - мос равишда радиал ва ўқ бўйича кўчиши)

Қалинлиги $h = \sum_{n=1}^N h_n$ бўлган n -қатламли қовушоқ - эластик

цилиндрик жисмда хос тўлқин тарқалиши масаласини кўрамиз. Декарт координаталар системасида ($Oxyz$) қатлам қўйидаги соҳани эгалласин: $x \in (-\infty, +\infty)$, $y \in (-\infty, +\infty)$, $z \in [-h, h]$. Фараз қилайлик, бу жисмда фаза

тезлиги c ($c=c_R+ic_I$) бўлган хос тўлқин тарқалсин. У ҳолда кўриладиган қовушқоқ-эластик механик системанинг Ламе тенгламаси (ҳажмий кучларни ҳисобга олмаганда) вектор кўринишида қуйидагича:

$$\tilde{\mu}_k \nabla^2 \bar{u} + (\tilde{\lambda}_k + \tilde{\mu}_k) \text{graddiv} \bar{u} = \rho_k \frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial t^2}, \quad (k=1, 2, 3, \dots, N). \quad (1)$$

$$\tilde{\lambda}_k f(t) = \lambda_{0k} \left[f(t) - \int_0^t R_{\lambda k}(t-\tau) f(\tau) d\tau \right],$$

$$\tilde{\mu}_k f(t) = \mu_{0k} \left[f(t) - \int_0^t R_{\mu k}(t-\tau) f(\tau) d\tau \right].$$

бу ерда $f(t)$ —вақтнинг ихтиёрий функцияси. $R_{\lambda k}(t-\tau)$ ва $R_{\mu k}(t-\tau)$ релаксация ядролари, λ_{0k} , μ_{0k} — оний эластиклик модуллари ($k=1, \dots, N$).

Кўйилган масала математик физика фанининг интегро-дифференциал тенгламалар системасига олиб келинган. (1) тенгламадаги интеграл остидаги функцияни секин ўзгарувчи деб фараз қилсак, у ҳолда музлатиш усули қўлланилади ва қуйидаги кўринишдаги комплекс коэффициентли тенгламага келамиз:

$$\lambda_{0k} [1 - \Gamma_{\lambda k}^c(\omega_R) - i\Gamma_{\lambda k}^s(\omega_R)] \text{graddiv} \bar{u} + \mu_{0k} [1 - \Gamma_{\mu k}^c(\omega_R) - i\Gamma_{\mu k}^s(\omega_R)] (\nabla^2 \bar{u} + \text{graddiv} \bar{u}) = \rho_k \frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial t^2} \quad (2)$$

бу ерда

$$\Gamma_{\lambda k}^c(\omega_R) = \frac{\nu_k}{(1+\nu_k)(1-2\nu_k)} \int_0^\infty R_{Ek}(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau \quad \Gamma_{\lambda k}^s(\omega_R) = \frac{\nu_k}{(1+\nu_k)(1-2\nu_k)} \int_0^\infty R_{Ek}(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau$$

$$\Gamma_{\mu k}^c(\omega_R) = \frac{\nu_k}{2(1+\nu_k)} \int_0^\infty R_{Ek}(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau \quad \Gamma_{\mu k}^s(\omega_R) = \frac{\nu_k}{2(1+\nu_k)} \int_0^\infty R_{Ek}(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau$$

Кўп қатламли цилиндрик қобикда тўлқин тарқалиши ўрганилса, $r = r_k$ да қаттиқ маҳкамланганлик шарти қўйилса, у ҳолда кучланишлар тензори ва кўчиш векторининг мос компоненталари узлуксизлик шартларини қаноатлантириши керак:

$$\sigma_{rr}^{(k)} = \sigma_{rr}^{(k+1)}, \quad \sigma_{r\theta}^{(k)} = \sigma_{r\theta}^{(k+1)}, \quad \sigma_{rz}^{(k)} = \sigma_{rz}^{(k+1)}, \quad (3)$$

$$u_r^{(k)} = u_r^{(k+1)}, \quad u_\theta^{(k)} = u_\theta^{(k+1)}, \quad u_z^{(k)} = u_z^{(k+1)}.$$

Агар бўлиниш чегарасида ишқаланиш бўлмаса, у ҳолда қуйидагича бўлади:

$$\sigma_{rr}^{(k)} = \sigma_{rr}^{(k+1)}, \quad \sigma_{r\theta}^{(k)} = \sigma_{r\theta}^{(k+1)} = \sigma_{rz}^{(k)} = \sigma_{rz}^{(k+1)} = 0, \quad u_r^{(k)} = u_r^{(k+1)}. \quad (4)$$

Эркин сиртда эса кучланишлардан озодлик шарти қўйилади:

$$\sigma_{rr}^{(k)} = 0, \quad \sigma_{r\theta}^{(k)} = 0, \quad \sigma_{rz}^{(k)} = 0.$$

Кўйилган масала цилиндрик координаталар системасида Грин – Ламе тасвирлаган потенциал функциялари орқали ечилади:

$$\bar{u}_k = \text{grad} \varphi_k + \text{rot} \vec{\psi}_k, \quad \text{div} \vec{\psi}_k = 0, \quad (5)$$

Бунда $\vec{u}_n(u_{rn}, u_{\theta n}, u_{zn})$ -мухитнинг кўчиш вектори, ϕ – бўйлама тўлқин потенциали, $\vec{\psi}(\psi_{rn}, \psi_{\theta n}, \psi_{zn})$ -кўндаланг тўлқин потенциали. Бу потенциаллар қуйидаги тенгламаларни қаноатлантиради:

$$\Gamma_{\lambda\mu n}^* \nabla^2 \phi_n - \frac{1}{c_{pn}^2} \frac{\partial^2 \phi_n}{\partial t^2} = 0, \quad \Gamma_{\mu n}^* \nabla^2 \psi_{zn} - \frac{1}{c_{sn}^2} \frac{\partial^2 \psi_{zn}}{\partial t^2} = 0, \quad (6)$$

$$\Gamma_{\mu n} (\nabla^2 \psi_{\theta n} - \frac{\psi_{\theta n}}{r^2} + \frac{2}{r^2} \frac{\psi_{rn}}{\partial \theta}) - \frac{1}{c_{s0n}^2} \frac{\partial^2 \psi_{\theta n}}{\partial t^2} = 0, \quad \Gamma_{\mu n} (\nabla^2 \psi_{rn} - \frac{\psi_{rn}}{r^2} + \frac{2}{r^2} \frac{\psi_{\theta n}}{\partial \theta}) - \frac{1}{c_{s0n}^2} \frac{\partial^2 \psi_{rn}}{\partial t^2} = 0$$

бунда $\Gamma_{\lambda\mu k}^* = 1 - \Gamma_{\lambda\mu k}^c(\omega_R) - i\Gamma_{\lambda\mu k}^s(\omega_R)$, $\Gamma_{\mu k}^* = 1 - \Gamma_{\mu k}^c(\omega_R) - i\Gamma_{\mu k}^s(\omega_R)$;

$\Gamma_{\lambda\mu k}^c(\omega_R)$, $\Gamma_{\lambda\mu k}^s(\omega_R)$, $\Gamma_{\mu k}^c(\omega_R)$, $\Gamma_{\mu k}^s(\omega_R)$ - релаксация ядросининг косинус ва синус Фурье тасвирлари, $c_{pn}^2 = \frac{(\lambda_{n0} + 2\mu_{n0})}{\rho_n}$, $c_{sn}^2 = \frac{\mu_{n0}}{\rho_n}$. – бўйлама ва кўндаланг тўлқин тарқалиш тезликлари.

(6) дифференциал тенгламалар системасини ечими қуйидагича изланади:

$$\begin{aligned} \phi_n(r, \theta, z, t) &= \sum_{n=0}^{\infty} \phi_n(\alpha_n r) \begin{Bmatrix} \cos k\theta \\ -\sin k\theta \end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t}; \\ \psi_{rn}(r, \theta, z, t) &= \sum_{n=0}^{\infty} \psi_{rn}(\beta_n r) \begin{Bmatrix} \sin k\theta \\ -\cos k\theta \end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t} \\ \psi_{\theta n}(r, \theta, z, t) &= \sum_{n=0}^{\infty} \psi_{n\theta}(\beta_n r) \begin{Bmatrix} \cos k\theta \\ -\sin k\theta \end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t} \\ \psi_{zn}(r, \theta, z, t) &= \sum_{n=0}^{\infty} \psi_{nz}(\beta_n r) \begin{Bmatrix} \sin k\theta \\ \cos k\theta \end{Bmatrix} e^{\pm i\gamma_p z} e^{-i\omega t}; \end{aligned} \quad (7)$$

бу ерда k - бутун сон; $\gamma_p = \omega/c$ - тўлқин сони; $\omega = \omega_R + i\omega_C$ - комплекс хос тебранишлар частотаси; C ($C = C_R + iC_I$) – комплекс фаза тезлиги. Уларнинг физик маъносини аниқлаш учун иккита ҳолни кўриб чиқамиз:

1) $k = \gamma_R$, $C = C_R + iC_I$, у ҳолда (7) ечим амплитудаси вақт бўйича сўнувчи, x координата бўйича синусоида кўринишини олади;

2) $k = \gamma_R + i\gamma_I$; $C = C_R$, у ҳолда барча x нуқталарда тебраниш турфун бўлади, лекин x ўқи бўйича сўнади.

Тенгламалар системасининг ечими махсус функциялар орқали қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned} \phi_1(r) &= A_{1m} Z_m(\alpha_1 r) + A_{2m} W_m(\alpha_1 r); \quad \Psi_{z1}(r) = A_{3m} Z_m(\beta_1 r) + A_{4m} W_m(\beta_1 r); \\ \Psi_{r1}(r) - \Psi_{\theta1}(r) &= 2A_{5m} Z_{m+1}(\beta_1 r) + 2A_{6m} W_{m+1}(\beta_1 r); \\ \Psi_{r1}(r) + \Psi_{\theta1}(r) &= 2A_{13m} Z_{n-1}(\beta_1 r) + 2A_{14m} W_{m-1}(\beta_1 r); \\ \phi_2(r) &= A_{7m} Z_m(\alpha_1 r) + A_{8m} W_m(\alpha_1 r); \quad \Psi_{z2}(r) = A_{9m} Z_m(\beta_1 r) + A_{10m} W_m(\beta_1 r); \\ \Psi_{r2}(r) - \Psi_{\theta2}(r) &= 2A_{11m} Z_{m+1}(\beta_1 r) + 2A_{12m} W_{m+1}(\beta_1 r); \\ \Psi_{r2}(r) + \Psi_{\theta2}(r) &= 2A_{15m} Z_m(\beta_1 r) + 2A_{16m} W_{m+1}(\beta_1 r), \end{aligned} \quad (8)$$

Юқорида келтирилган (8) муносабатлардан фойдаланиб кучланишларнинг қуйидаги ифодаларини оламиз:

$$\begin{aligned}\sigma_{rm} &= \left\{ -\bar{\lambda}_n (\alpha_n^2 + \gamma_p^2) \phi_n + 2\bar{\mu}_n \left[\phi_n'' + \frac{k}{r} \left(\Psi_n' - \frac{1}{r} \Psi_{zn} \right) + \gamma_p \Psi_{zn}' \right] \right\} \cos(n\theta) e^{-i(-\alpha t + \gamma_p z)} \\ \sigma_{r\theta} &= \bar{\mu}_n \left[\frac{2k}{r} \left(\frac{1}{r} \phi_n - \phi_n' \right) + (\beta_p^2 \Psi_{zn}' - 2\Psi_{zn}') + \gamma_p \left(\Psi_{rm}' - \frac{k+1}{r} \Psi_{rm} \right) \right] \sin(n\theta) e^{-i(-\alpha t + \gamma_p z)} \\ \sigma_{rz} &= \bar{\mu}_n \left[-2\gamma_p \phi_n' - \frac{k\gamma_p}{r} \Psi_{zn} - \frac{k}{r} \Psi_{zn}' - \left(\frac{k^2 - k - 1}{r^2} - \beta_n^2 + \gamma_p^2 \right) \Psi_{zn} \right] \cos(n\theta) e^{-i(-\alpha t + \gamma_p z)}\end{aligned}\quad (9)$$

1-расмда келтирилганидек, элементар ҳажм ажратиб олиб Ньютоннинг иккинчи қонунидан фойдалансак, қуйидаги кўринишидаги дифференциал тенгламани оламиз:

$$s_b \frac{\partial p_0}{\partial z} \Delta z = -\rho s_b \Delta z \frac{\partial^2 u_z}{\partial t^2}, s_b = \pi b^2, \quad (10)$$

бунда b - қувур ёки кудук радиуси, ρ - суюқлик зичлиги. Юқорида келтирилган (10) тенглама суюқликда тўлқин тарқалишини ифодаловчи тенглама ҳисобланади. Геофизика соҳасидаги адабиётларда бу тўлқин чуқур ўрганилган. (10) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$\frac{\partial^2 u_z}{\partial z^2} = \left[\rho \left(\frac{1}{B} + \frac{1}{M} \right) \right] \frac{\partial^2 u_z}{\partial t^2}, \quad (11)$$

бунда $v_T = \left[\rho \left(\frac{1}{B} + \frac{1}{M} \right) \right]^{-1/2}$ - тўлқиннинг қалин қувурда тарқалиш тезлигини,

$$M = \frac{E_0 (a^2 - b^2)}{2 \left[(1 + \nu(t))(a^2 + b^2) - 2\nu(t)b^2 \right]} [1 - \Gamma_E], \Gamma_E = \Gamma_E^c + i\Gamma_E^s,$$

а ва b- қувурнинг мос равишда ички ва ташқи радиуслари, ν – Пуассон коэффиценти, E - Юнг модули, $B = \frac{15(1-\nu)}{7-5\nu}$. Юқори тартибли комплекс

элементли (махсус функциялар комбинациясидан ташкил топган) аниқловчилардан комплекс ҳадли кўпҳадларга ўтиш ва уни Мюллер усулида ечиш алгоритми ишлаб чиқилди. Комплекс аргументли Бессел ва Нейман функцияларини ҳисоблаш алгоритми яратилди. Бу функциялар комплекс аргументли функционал қатор бўлиб, яқинлашиш радиусини топиш учун алмаштиришлар бажарилди ва ҳисоблаш жараёнида текшириб борилди.

Диссертациянинг «Қовушқоқ –эластик муҳитдаги цилиндрик бўшлиқ сиртининг тебранишлари ва хос тўлқинлар тарқалиши» деб номланган учинчи бобида хос тўлқинларнинг цилиндрик, радиус бўйича чексиз жисмда тарқалишини ўрганишга бағишланган масалаларнинг математик қўйилиши, ечиш усуллари келтирилган ва сонли натижалар олинган. Муҳитнинг тенгламаси қовушқоқлик назариясининг Ламе тенгламаси орқали ифода қилинган. Чегаравий масала эластиклик

назариясининг аралаш масаласига олиб келинган. Бўшлиқ сиртида нормал ($\sigma_{rr} = 0$) ва уринма кучланишларнинг ($\sigma_{r\theta} = \sigma_{rz} = 0$) нолга тенг бўлиш шарти қўйилган. Бу шартлардан фойдалансак, қуйидагича дисперсион тенгламани оламиз:

$$\|c_{ij}\| = 0, \quad i, j = 0, 1, 2, 3. \quad (12)$$

Бунда

$$\begin{aligned} c_{11} &= (n^2 - 1 - \Omega^2 + \gamma_p^2)H_n^{(1)}(\alpha), \\ c_{12} &= (n^2 - 1 - \beta^2)H_n^{(1)}(\beta), \\ c_{13} &= 2(n^2 - 1)\left[\beta H_{n-1}^{(1)}(\beta) - nH_n^{(1)}(\beta)\right] - \beta^2 H_n^{(1)}(\beta), \\ c_{21} &= \alpha H_{n-1}^{(1)}(\alpha) - (n+1)H_n^{(1)}(\alpha), \\ c_{22} &= \beta H_{n-1}^{(1)}(\beta) - (n+1)H_n^{(1)}(\beta), \\ c_{23} &= (2n^2 + n - \gamma_p^2)H_n^{(1)}(\beta) - 2\beta H_{n-1}^{(1)}(\beta), \\ c_{31} &= \alpha H_{n-1}^{(1)}(\alpha) - nH_n^{(1)}(\alpha), \\ c_{32} &= (1 - \Omega^2 / 2\gamma_p^2)(H_{n-1}^{(1)}(\beta) - nH_n^{(1)}(\beta)), \\ c_{33} &= n^2 H_n^{(1)}(\beta). \end{aligned}$$

(12) тенглама n ($n = 1, 2, 3, \dots$) нинг ҳар бир қийматида ўлчамсиз частота Ω , тўлқин тарқалиш доимийси γ_p ва Пуассон коэффициенти орасидаги муносабатни ифодалайди. (12) дисперсион тенглама барча бутун сонни қабул қилувчи $n \geq 0$ лар учун ўринли. Бутун $n \geq 0$ соннинг ҳар бир қийматига алоҳида – алоҳида хос сонлар оиласи мос келади. $n=1$ га цилиндрнинг эгилишдаги хос сон мос келади. $n=0$ да, умумий ҳолда, (12) дисперсион тенглама бир бирига боғиқ бўлмаган минорлардан ташкил топган бўлади. Биринчи тартибли минор буралиш тўлқини хос сонларини, иккинчиси тартибли минор бўшлиқ сиртида тарқаладиган бўйлама тўлқин хос сонларини ифода этади.

Цилиндрик қобикнинг эластик муҳитдаги хос тебранишлари қаралган. Қобик ва муҳит орасида қаттиқ маҳкамланганлик (ёки сирпанувчанлик) шартлари қўйилади ва частота тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{vmatrix} h_2 Y_{1n} - Z_o(\Omega_o) X_{1n} & h_2 Y_{2n} - Z_o(\Omega_o) Z_{2n} \\ Z_{1n} & X_{2n} \end{vmatrix} = 0 \quad (13)$$

бунда

$$h_2 = h_o / R; \quad Y_{1n} = nH_n^{(1)}(\Omega_1) - \Omega_1 H_{n+1}^{(1)}(\Omega_1);$$

$$Z_{jn} = n[(1-n)H_n^{(1)}(\Omega_j) + \Omega_j H_{n+1}^{(1)}(\Omega_j)];$$

$$X_{1n} = (-d_1 \Omega_1^2 + \alpha_{n2}^1) H_n^{(1)}(\Omega_1) + \Omega_1 H_{n+1}^{(1)}(\Omega_1);$$

$$X_{2n} = (\alpha_{2n}^1 - \Omega_2^2 / 2) H_n^{(1)}(\Omega_2) + \Omega_2 H_{n+1}^{(1)}(\Omega_2);$$

$$Y_{2n} = nH_n^{(1)}(\Omega_2), \quad j = 1, 2$$

$$v_2 = 1 - v_o; \quad \alpha_{n1} = b^2(n^2 - 1) + 1; \quad \Omega_1 = \alpha_1 a;$$

$$\Omega_2 = \beta_1 \alpha = \Omega_1 (C_{\rho 1} / C_{s1}); \quad \Omega_o = \alpha_o R; \alpha_o \quad a_o = \omega / C_o;$$

$$b^2 = h^2 / 12R^2; \quad b_1 = E_1(1 - v_o^2) / (E_o(1 + v_1));$$

$$a_{n2}^1 = n^2; \quad \beta_1 = E_o h_o / (1 - v_o^2);$$

$C_o = E_o / \rho_o$ – стерженда тўлқин тарқалиш тезлиги,
 $Z_o(\Omega_o) = b_1 / [(\Omega_o^2 v_2 - a_{n1}) - n^2 / (\Omega_o^2 v_2 - a_{n2})]$. Эластик муҳитдаги цилиндрик қобикнинг осесимметрик тебранишларининг частота тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$h_2(\Omega_o^2 v_2 - a_{o1}) + b_1 - b_1 d_1 \Omega_1 H_o^{(1)}(\Omega_1) / H_1^{(1)}(\Omega_1) = 0 \quad (14)$$

бунда $\Omega_1 = \Omega_o L_1; \dots L_1 = \eta E(1 + v_1)(1 - 2v_1) / (1 - v_1)$.

Агар Ханкелнинг асимптотик ифодасидан фойдалансак, комплекс частотани аналитик кўринишини оламиз:

$$\Omega_o = -i \frac{b_1 d_1 l_1}{2h_2 v_2} + \sqrt{\frac{a_{o1}}{v_2} - \left(\frac{d_1}{h_2 v_2} + \left(\frac{d_1 l_1 b_1}{h_2 v_2} \right)^2 \right)}$$

Агар эластиклик модули E учун қуйидаги шарт бажарилса

$$E > (1 + v_1)(b^2 + 1)h_2^2 ([h_2 + (1 - v_1)]\eta(1 - 2v_1)^{-1})^{-1}(1 - v_o^2)^{-1}, \quad (15)$$

комплекс частоталарнинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари мавжуд бўлади. Сонли натижалар $n=0$ бўлганда 1 - жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Цилиндрик қобик эркин тебранишлар частотасининг Юнг модули E га боғлиқ ўзгариши (осесимметрик ҳол учун)

	$E=0,03$	$E=0,09$	$E=0,12$	$E=0,15$	$E=0,25$
Ω_R	1,3308D-01	2,3976D-01	3,2670D-01	4,1665D-01	1,5270D-12
Ω_I	-i1,9767D-02	-i4,5891D-02	-i6,1776D-02	-i7,9394D-02	-i1,3691D-01

Натижалар $\eta = 0,1; \nu_1 = \nu_2 = 0,14, h_0 = 0,025$ қийматлар учун олинган. (14) частота тенгламаси Мюллер усулида ечилди. Ҳисоблашлар натижалари n ($n \geq 0$) ($\nu = 0,25$) нинг турли қийматлари учун келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, n нинг ортиб бориши билан мос келувчи частотанинг ҳақиқий ва мавҳум қисми ошиб борар экан. Пуассон коэффициентининг $0 \leq \nu \leq 0,4$ ораликда ўзгариши комплекс частотанинг ҳақиқий ва мавҳум қисмларини 27% гача ўзгартирар экан. Агар $\nu = 0,5$ бўлса, сўниш коэффициенти, табиийки, нолга тенг бўлади. Қўйилган масалани ечиш учун математик физика фанининг ўзгарувчиларни ажратиш, махсус функциялар усули, Лаплас, Мюллер ва музлатиш усуллари қўлланилди. Сонли натижалар олинди ва таҳлил қилинди. Дисперсион муносабатларда параметрларнинг маълум муносабатларида эркин сатҳда дисперсияга учрамайдиган тўлқин мавжудлиги топилди. Қовушоқликнинг ҳисобга олиниши фаза тезлиги ҳақиқий қисмининг 4-5% га, мавҳум қисмининг 10-15% га, параметрларга боғлиқ, камайиши аниқланди.

Цилиндрик бўшлиқда осесимметрик тўлқин тарқалиши масаласини кўрамиз ($n=0$ деб олинади). У ҳолда юқорида келтирилган кўчишлар ва кучланишлар ифодасидан қуйидаги кўринишдаги кўчишларни оламиз:

$$\begin{aligned} u_r &= \left[F_0 \frac{dH_0^{(1)}(\alpha r)}{dr} + D_{20} i \gamma_p H_1^{(1)}(\beta r) + M_{10n} n H_n^{(1)}(\beta r) / r \right] e^{i(-\alpha r + \gamma_p z)}, \\ u_\theta &= 0, \\ u_z &= (-F_0 i \gamma_p H_1^{(1)}(\alpha r) - D_{20} \left[\frac{dH_1^{(1)}(\beta r)}{dr} + \frac{1}{r} H_1^{(1)}(\beta r) \right]) e^{i(-\alpha r + \gamma_p z)}, \end{aligned} \quad (16)$$

ва

$$u_\theta = D_{20} i \gamma_p H_1^{(1)}(\beta r) e^{i(-\alpha r + \gamma_p z)}, u_r = u_z = 0. \quad (17)$$


Юқорида келтирилган бир жинсли тенгламалар системаси нолдан фарқли (тривиал бўлмаган) ечимга эга бўлиши учун асосий аниқловчиси (номаълум катталиклар олдидаги коэффициентлардан тузилган) нолга тенг бўлиши керак. Охирги олинган аниқловчидан қуйидаги дисперсион тенгламани оламиз:

$$4(1 - \xi_1^2) \left[\frac{1}{\beta a} + \Psi_{H_{01}}(\bar{\beta} a) \right] - 2(1 - \xi_1^2)(1 - \xi_2^2)^{1/2} \left[\frac{1}{\bar{\alpha} a} + \Psi_{H_{01}}(\bar{\alpha} a) \right] + b \frac{\xi_1^2(2 - \xi_1^2)}{(1 - \xi_2^2)^{1/2}} \Psi_{H_{01}}(\bar{\alpha} a) = 0, \quad (18)$$

бунда $\xi_1 = c / c_s, \xi_2 = c / c_p$. У ҳолда α, β мавҳум катталиклар бўлиб, махсус функциялардан тузилган функция таркибида Макдональд функциялари пайдо бўлади:

$$\Psi_{H_{01}}(\alpha) = H_0^{(1)}(\alpha) / H_1^{(1)}(\alpha) = -iK_0(|\alpha|) / K_1(|\alpha|) = -i\Psi_K(|\alpha|).$$

Сонли натижалар 2-расмда келтирилган.



2- расм. Сирт тўлқини тезлигининг тўлқин узунлигига боғлиқ ўзгариши, (Пуассон коэффицентининг турли қийматлари учун)
 1. $\nu = 0$; 2. $\nu = 0.25$; 3. $\nu = 0.4$.

Сирт тўлқини тезлигининг тўлқин узунлигига боғлиқ ўзгариши графиги Пуассон коэффицентининг турли ($\nu = 0$; $\nu = 0.25$; $\nu = 0.4$) қийматлари учун 2-расмда келтирилган. Бу цилиндрик бўшлиқ учун олинган фаза тезлиги Рэлей тўлқинига яқинлашиши топилган. Лекин улар орасида фарқ бор. Цилиндрик бўшлиқда ҳосил бўлган сирт частотасининг кичик қийматларида узилиш (осечка)га эга ҳамда дисперсияга учрайдиган соҳалари мавжуд. Агар $n \geq 1$ бўлган ҳол тадқиқ қилинса, у ҳолда симметрик бўлмаган тўлқинлар ўрганилади. Дисперсион чизиқлар оиласи $n \geq 1$ бўлганда (18) тенгламадан аниқланади. Агар материалнинг қовушоқлиги кичик бўлса, у ҳолда нолинчи частотанинг кичик тармоғи частота узилиши (осечка)га эга бўлади.

Диссертациянинг “Суюқлик билан тўлдирилган қовушоқ-эластик хусусиятли деворга эга қудуқда гармоник тўлқинларнинг тарқалиши ва сўниш хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида муҳит билан кучсиз контактда бўлган цилиндрда тўлқин тарқалиши масаласи ечилган. Муҳит билан алоқада бўлган кўп қатламли цилиндрик жисм ҳаракат тенгламаси (1) интегро-дифференциал тенгламаларни қаноатлантиради.

Муҳитда тўлқин тарқалганда $r \rightarrow \infty$ да Зоммерфельднинг ютилиш шартини қаноатлантиради. Цилиндрик координаталар системасида (r, z, θ) куйидагича кўп қатламли қувур моделини кўраимиз:

1. $(r_1 \leq r \leq r_2)$,
2. $(r_2 \leq r \leq r_3)$,...
- n-1. $(r_{n-2} \leq r \leq r_{n-1})$,
- n. $(r \geq r_n)$.

Диссертацияда келтирилган методика асосида куйидаги дисперсия тенгламаси олинади ($n=3$ учун):

$$(C(\omega_R, \omega_I, c_{pk}, c_{sk}, \gamma_p, \gamma_k, D) - \omega^2 A)V = 0, \quad (19)$$

бу ерда A - умумий ҳолда блокли диагонал матрица, C - блокли таркибга эга бўлган, элементлари комплекс аргументли Бессел (ёки Ханкел) функциялардан иборат матрица.

Фараз қилайлик, ковушқоқ - эластик муҳитда радиуси $r = a$ бўлган қудуқ суюқлик билан тўлдирилган бўлсин. $У$ ҳолда дисперсион тенглама куйидагича бўлади:

$$\rho_{12} \frac{c_\phi^4}{c_{s2}^4} \bar{\alpha}_2 I_0(\bar{x}) + \bar{\alpha}_1 I_1(\bar{x}) \left\{ \left(2 - \frac{c_\phi^2}{c_{s2}^2} \right)^2 \frac{K_0(\bar{y})}{K_1(\bar{y})} - 4\bar{\alpha}_2 \bar{\beta}_2 \frac{K_0(\bar{q})}{K_1(\bar{q})} - \frac{2\bar{\alpha}_2 c_\phi^2}{k a c_{s2}^2} \right\} = 0. \quad (20)$$


бу ерда $\bar{\alpha}_1 = \sqrt{1 - c_\phi^2 / \Gamma_{p1} c_{p1}^2}$, $\bar{\beta}_2 = \sqrt{1 - c_\phi^2 / \Gamma_{s1} c_{s2}^2}$, $\bar{q} = k a \bar{\beta}_2$. Бу ерда суюқликда ва қудуқ қопламаларида тўлқин тарқалади деб қаралади: $R_{\lambda k}(\tau) = R_{\mu k}(\tau) = 0$. $У$ ҳолда $\bar{x} = k a \alpha_1$, $\bar{y} = k a \alpha_2$, $\bar{q} = k a \beta_2$, $\Gamma_{p1}(\tau) = R_{s1}(\tau) = 1$. (20) дисперсион муносабатни таҳлил қиламиз. Юқорида келтирилган (20) дисперсион тенгламага кирувчи параметрлар ҳақиқий сонлар соҳасига тегишли бўлса ҳам, унинг илдизлари ҳақиқий, комплекс ёки мавҳум бўлиши мумкин. Қудуқ чексизлик билан чегараланганлиги учун, тўлқин ютилиши жараёни юз беради. Шунинг ҳисобидан фаза тезлиги ёки частота комплекс бўлади. Кўрсатиш мумкинки, (20) дисперсион тенгламанинг ярим текисликнинг чап бўлаги ($Re m < 0$) да комплекс илдизлари мавжуд бўлади. Тўлқин сони $\gamma_{pr2} = 1,2$ га тенг бўлган нуқта яқинида кўзғалиш функциялари кескин ортади. Сўниш энергияси $\gamma_{pr2} \geq 1,5$ бўлганда кечикиш билан ўсишни бошлайди. Бу фаза тезлигига эга бўлган кучли тебранишлар мавжудлигини ва динамикаси атроф - муҳитнинг кучсиз таъсири бўлган $0 \leq \gamma_{pr2} \leq 1.4999$ интервалга мос келадиган сўниш коэффициентининг пасайишини кўрсатади.

2- жадвал. Олинган натижаларнинг амеркалик олим Уайтнинг тажриба натижалари билан солиштириш натижалари

1- Уайт натижалари, 2 –диссертация методикаси бўйича олинган натижалар.

l/λ		0,2	0,4	0,6	0,8	1,0	9,0
(c/c ₀)	1	0,9784	0,9420	0,8319	0,7645	0,6721	0,5361
	2	0,8273	0,8191	0,7987	0,6479	0,4919	0,3832

Олинган натижалар амеркалик олим Уайтнинг тажриба натижалари билан солиштирилди. Натижалар 25% гача фарқ қилиши топилди. Суюқликли муҳитда жойлашган икки қатламли цилиндрда тўлқин фаза тезлигининг ўзгариши 3-расмда келтирилган.



3- расм. Фаза тезлигининг тўлқин сонига боғлиқ ўзгариши: 1- $\gamma_2 = 0.5$; 2- $\gamma_2 = 0.35$

Ҳисоблашларда Колтунов - Ржанициннинг уч параметрли ядросидан фойдаланилган: $R(t) = A e^{-\beta t} / t^{1-\alpha}$, $A = 0,048$; $\beta = 0,05$; $\alpha = 0,1$. Натижалар MAPLE-20 дастурий таъминоти ва C++ муҳитида тузилган дастур асосида олинди. Кўришиб трубки, ўлчамсиз тўлқин сонининг ошиши билан фаза тезлигининг биринчи модаси 5-7% фарқи билан кичик тўлқин сони соҳасида ошади ва узун тўлқин соҳасида асимптотага интилади ($\gamma_2 = 0.5$ да), икинчи чизик $\gamma_2 = 0.35$ мода, кўришиб турибдики, γ_2 - ни камайиб бориши дисперсион муносабатни ифодаловчи чизик ординатасининг ошиши ва абсцисса ўкига нисбатан ортиб бориши кузатилди.

ХУЛОСА

«Кўп қатламли қудуқ қопламасида сўнувчи тўлқинларнинг тарқалиш хусусиятлари» мавзусидаги диссертация ишидан олинган натижалар асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Қовушқоқ-эластик муҳитда жойлашган суюқликли қудуқда хос тўлқинларнинг тарқалиши, сўниши ва лимит ҳолатларини ўрганиш масалаларини ечиш усуллари ҳамда алгоритми ишлаб чиқилди.

2. Қудуқда тўлқин ютилиши жараёни юз бериши ҳамда фаза тезлиги ёки частота комплекс катталиқ бўлиши таҳлил қилинди. Дисперсион тенгламанинг $\text{Re } m < 0$ ярим текисликнинг чап бўлагида комплекс илдизлари бўлиши, ҳамда $\text{Re } m = 0$ ўқда фақат мавҳум илдизлари бўлиши топилди. Илдизлар ҳақиқий ва мавҳум қисмларининг жойлашуви тўлқин сонига боғлиқ бўлиши аниқланди.

3. Хос тўлқинлар дисперсион тенгламалари сўнувчи тебранишларга мос келиши топилди. Бу илдизларнинг ҳақиқий қисми тебранишлар частотаси ёки фаза тезлигини ифодаласа, мавҳум қисми сўниш декрементини ифодалашини аниқланди.

4. Частотанинг лимит қийматида (нолга интилганда) гидротўлқин мавжудлиги топилди. Частота чексизликка интилганда сув тўлқини ҳосил бўлиши топилди. Қовушоқ-эластик муҳитдаги қудуқ учун бу тўлқинларнинг фаза тезликлари комплекс катталиқ бўлиши аниқланди.

5. Частотанинг юқори модаларда узилиш(отсечка) ҳодисаси рўй бериш билан характерланиши аниқланди. Лекин уларни ҳар бир модасини чегараси мавжуд бўлиши топилди. Улардан ташқарида ёки кичик қийматларда тўлқин мавжуд бўлмаслиги аниқланди.

6. Қудуқ қопламалари ва муҳитнинг қовушоқлик хусусиятини ҳисобга олиш гидро тўлқинининг энергиясини диссипациясига 15-20% таъсир кўрсатиши, сув тўлқини диссипациясига 15% ча таъсир этиши топилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ НОМЕР PhD.03/27.02.2021.FM.101.02
ПРИСУЖДАЮЩИЙ НАУЧНУЮ СТЕПЕНЬ ПРИ БУХАРСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТЕ**

Эшпулатов Бобир Худойбердиевич

**СВОЙСТВА РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЗАТУХАЮЩИХ ВОЛН В
МНОГОСЛОЙНЫХ ПОКРЫТИЯХ СКВАЖИН**

01.02.04 – Механика деформирующихся твёрдых тел

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА ПОЛУЧЕНИЕ НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована за В2022.2.PhD/FM716 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bmti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Сафаров Исмоил Иброхимович доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Мирзаев Ибрахим доктор физико-математических наук, профессор Мавлонов Тўлкин Мавлонович доктор технических наук, профессор.
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоится « 17 » декабря 2022 г. в « 10:00 » часов на заседании Научного совета Phd.03/27.02.2021.FM.101.02.03 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200100, г.Бухара, ул. К. Муртазаев, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-79-72, e-mail: bmti_info@edu.uz.

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрирована под номером № 405). (Адрес:Бухарская область, 200100, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99895) 604-44-70).

Автореферат диссертации разослан «5» декабря 2022 года.
(протокол рассылки №2 от 17 ноября 2022 г.)



М.Х. Тешаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, ф.-м.ф.д. (DSc)

З.И. Болтаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, ф.-м.ф.д. (DSc)

М.З. Шарипов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, ф.-м.ф.д. (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (автореферат диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется при добыче подземных полезных ископаемых – нефти и газа вопросам оценки состояния прочности и ближайших окрестностей покрытий скважины. В настоящее время требуется разработать методику исследования упругих свойств окружности скважины, основанную на теории распространения акустических волн. Такая ситуация указывает на необходимость проведения сейсмических исследований, направленные к ослаблению на небольшую величину с увеличением глубины амплитуду волны, которая распространяется вдоль оси бурения. В связи с этим в развитых зарубежных странах, включая США, Францию, Японию, Италию, Россию, Китай, Турцию и других странах особое внимание уделяется разработке надежных методов расчета, обеспечивающих прочность скважин при добыче полезных ископаемых нефте- и газопродуктов, снижению динамических напряжений и деформаций, возникающих в покрытиях скважин до допустимого предела.

В мире проводятся целенаправленные научные исследования по разработке методов и программ для расчета конкретных вопросов на основе различных моделей, учитывающих связь скважин полезных ископаемых с деформируемой грунтовой средой. В этом направлении, в том числе, в процессе проектирования скважин с жидкостью, необходимо знать характеристики контакта между грунтовой средой и оболочкой. В то же время, разработка методов и алгоритмов расчета напряженно-деформируемого состояния, которое формируется в покрытиях скважин, с учетом физико-механических свойств скважин и грунтовой среды, а также проведение целевых научных исследований по анализу опасного напряженного состояния конструкций считаются актуальными задачами.

В нашей Республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по повышению сейсмической прочности подземных сооружений и обеспечению их сейсмической безопасности. В Указе Президента Республики Узбекистан №УП-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года определены задачи, в том числе «...определения приоритетных направлений непрерывного реформирования науки на перспективу, подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров, обладающих современными знаниями,..."². При выполнении этих задач, в том числе, одной из важных задач является создание и развитие методики расчета напряженно-деформируемого состояния и динамических свойств цилиндрической скважины, находящейся в бесконечной среде.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отраженных в Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана

² Указ Президента республики Узбекистан №УП-6097 от 29 октября 2020 г. «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года»

на 2022-2026 годы», Постановлении №ПП-4794 «О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан» от 30 июля 2020 года, Постановления №515 Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании государственной системы предупреждения и реагирования на чрезвычайные ситуации в Республике Узбекистан» от 26 августа 2020 года и в других нормативно-правовых документах, относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика, сейсמודинамика зданий и информатика».

Степень изученности проблемы. Вопросам исследования проблем распространения волн в многослойной среде, оболочках и динамического напряжённо-деформированного состояния внесли свой вклад ряд известных зарубежных учёных, в частности Трояновский И.Е., Кийко И.А., Ильюшин А.А., Горшков А.Г., Шемякин Е.И., Гузь А.Н., Булычев Н.С., Фотиева Н.Н., Ержанов Ж.С., Айталиев Ш.М., Дорман И.Я., Оганесов Г.И., Балсон Ф.С., Гринченко В.Т., Молотков Л.А., Новичков Ю.И., Петрашень Г.И., Матвеев В.П., Шардаков И.Н., Старовойтов Э.И., Кольский Г., Davis R.M., Wayt J.A., Miker T., Maytsler A., Ahenbah J.D., Shafer B.V., San R.I. и др.

